

МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ



Илимий-методикалық журнал

2023

6/3-сан

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарап мепен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа соз ҳәм хабар агентиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүйдәләк берилген.*

Нөкис



Raxmonov A.R. Ta'lim innovatsiyalari va zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalnish imkoniyati	193
Karomov B.K. O'qituvchilaming kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirishning psixologik mohiyati	199
Лухманов Д.Б. Миллпий анъаналардан фойдаланиши технологиялари асосида касбий-педагогик фаолиятини ташкил этипи муаммосининг назарий ва амалий ҳолати	207
Xalmuxamedova M.A. Talabalarining kasbiy kompetentligini takomillashtirishda mehnatning roli	213
Ismoilova N.S. Talabalarda kreativ faoliyatni rivojlantirishning mavjud holati	219
Жўраев Ш.М. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив позицияни ривожлантиришнинг тузилиши ва ўрни ҳамда аҳамияти	225
Жўраев Ш.М. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив позицияни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда даражалари	233
Bekqulov Q.Sh., Barakayeva Ch .S. Darsdan tashqari vaqtlarda talabalarining mustaqil ijodiy ish faoliyatini tashkil etish bosqichlari	241
Raxmanova M. Q. Individual o'qitish texnologiyasi asosida o'quvchilarining faolligni rivojlantirish	246
Quyliyeva O.R. Ilk katta sinf o'quvchilariga texnologiya darslarini o'qitishda kasbga yo'naltirish tamoyillarini shakllantirish masalalari	253
Ismailova D. R. Talabalarning axloqiy-madaniy kompetensiyalarini rivojlantirish mechanizmlari	259
Abdirimova I.K. Klaster modeli asosida o'quvchilar loyihalash faoliyatini shakllantirish	264
Ortiqov O.A. Marketing tadqiqotlaridagi zamonaviy yondashuvlar tahlili	269
Qurbanova M. F. Ixtisoslashtirilgan maktablarning tashkil etish zarurati	273
Исманова М.А. Талабаларда ижодий-креативлик сифатларини ривожлантириш	277
Bekturdiyev Q.B. Ta'limda boshqaruv tizimi samaradorligini oshirishning o'ziga xos xususiyatlari	282
Наркабилова Г. К вопросу о потребности формирования цифровой грамотности студентов	286
Боймирзаева Д. Совершенствование механизмов организации и управления процессом формирования социальной креативности у будущих менеджеров образования	290
Юлдашева Г. Развитие профессиональной компетентности у будущих студентов педагогического ВУЗа	294
Умарова Г. Аспекты, заложенные в содержание профессиональных знаний будущих инженеров на основе интегративного подхода	300
Tashpulatov R.Kh., Saidnazarova S.F. Investigation of the quality of additionally acquired knowledge of the learning process	308
Sarsenbaev D. Pedagogical approaches in developing communicative competence	313

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ

Melikuzieva M. Talaba-yoshlarning ma'naviy axloqiy tarbiyasini rivojlantirishda Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u blig" asarining tarbiyaviy imkoniyatlari	324
Siddiqov I. Virtual muzeylar va ularning bo'lajak tarix o'qituvchilarida informatsion-analitik kompetentlikni rivojlantirishdagi o'rni	330

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Jumanqo'ziyev O'. Informatika fami darsligi dasturlash tillari bo'limlari mazmuni	336
Shirinov F.Sh. Multimedia texnologiyalarini ta'lim sohasida qo'llanilishi	344
Jumanqo'ziyev O'. Umumta'lim mkatablari o'quvchilarining axborot madaniyatini shakllantirishda dasturlash tillarining o'rni	349
Sulaymanova D. Texnik tizimlarda axborot texnologiyalari fanini o'rgatishda web-quest texnologiyasidan foydalananish	357
Yusupov M.R. Ba'zi matnlari masalalarni yechish usullari	



МИЛЛИЙ АНЬАНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ҚАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ҲОЛАТИ

Лухманов Д.Б.

Тошкент вилоати Чирчик давлат педагогика институту ўқитувчиси

Таянч сўзлар: миллий анъаналар, технологиялари, қасбий педагогик фаолият.

Ключевые слова: национальные традиции, технологии, профессиональная педагогическая деятельность.

Key words: national traditions, technologies, professional pedagogical activity.

Хозирги кунда жамиятишимизда ижтимоий-иктисодий ўзгаришларнинг жадал амалга оширилиши, таълим тизимининг босқичма-босқич ислоҳ қилиб борилиши – мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида умум эътиборли ва маънавий қизиқишига молик жараёнга айланди. Таълим тизимининг умумий мақсади тенг ҳуқуқли ва демократик давлат талабига жавоб берадиган баркамол жамият аъзоларини тарбиялаб беришдан иборатдир. Қасбий фаолиятга педагогик мослашиш ёрдамида инсон ҳаётига, шахс тарбиясига, ижтимоий муносабатлар ривожланишига маълум таъсир кўрсатиш мумкин. Бўлажак ўқитувчиларнинг қасбий-педагогик фаолиятга мослашишининг ижтимоий уйғунлашуви эса таълимни тараққий эттиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қасбий-педагогик фаолиятга мослашиш бўлажак педагогларни тайёрлашдаги мураккаб муаммолар қаторида ўзига хос ўрин тутади. Айниқса, таълимни модернизациялаш билан боғлиқ ислоҳотларнинг жорий босқичида қасбий-педагогик фаолиятга мослашиш муаммоси янада яққол на-моён бўлмоқда. Бўлажак технология фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг мазмуни умуммиллий қадриятларга мос қасбий, амалий, психологик, методик, тадқиқотчилик фаолият турлари билан бир қаторда қасбий-педагогик фаолиятга мослашиш билан бойиб бормоқда.



Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонунида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири эканлиги таъкидланади. Бўлажак технология фани ўқитувчисининг миллий анъаналардан фойдаланиш технологиялари асосида касбий-педагогик фаолиятга мослашиш муаммоларини ўрганиш учун аввало, бу тушунчанинг моҳиятини, ижтимоий-маънавий асосларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш йўлларини билиш зарур.

Касбий-педагогик фаолиятга мослашишнинг ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилинаётганига ҳали қўп вақт бўлгани йўқ, шунга қарамай йилдан-йилга тадқиқотчилар томонидан унга қаратилаётган эътибор кучайиб бормоқда. Бугунги кунда касбий-педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари жамият ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги илмий дунёқараш касбий-педагогик мослашишга «ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қамраб оладиган ижтимоий тизим элементи» сифатида ёндашади. Касбий мослашиш деганда, ижтимоий шахс, жамият эҳтиёжини қондириш мақсадида фаолият юритадиган инсоннинг моҳият кучи, ривожланиш йўллари ва натижаларининг тарихий аниқ тизими назарда тутилади.

«Педагогик мослашиш» тушунчасини ойдинлаштиришда инсон фаолиятининг натижаси сифатидаги талқинини тушунишгина эмас, балки унинг ташувчиси сифатида инсоннинг ўзига урғу берилади, муайян моддиймаънавий қадриятлар эса, обьект, касбни ривожлантиришнинг воситаси ва усуслари сифатида каралади. Шу жиҳатдан олганда мослашиш терминини «индивидуалнинг меъёрий ривожланиши» сифатида тушуниш мумкин. Касбий мослашиш икки асосий шаклда намоён бўлади: биринчидан, инсоният томонидан яратиладиган моддий ва маънавий бойликлар, иккинчидан, шахснинг ҳақиқий бойликлари.

Инсоннинг куч-қудрати меҳнат фаолияти, онг, ахлоқийлик, ижтимоий муносабатларнинг яхлит тизими билан белгиланади, жамиятнинг биринчи таҳлилий кесимига мувофиқ, бир томондан, ижтимоий турмуш, базаси билан ва, иккинчи томондан, ижтимоий онг билан белгиланар экан, анъанавий равишда жамиятнинг моддий ва маънавий тайёргарлиги илгари сурилади. Бу касбий-педагогик мослашиш, ўз навбатида, сифат жиҳатлари, фаолият билан боғлиқдир.

Фаолият – умуман олганда, бу жонли тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлиги асосидаги адаптив йўналтирилган фаоллигидир. Инсон фаолиятига келганда эса, уни одамларнинг ижтимоий йўналтирил-



ган фаолияти сифатида белгилаш мумкин. Мослашиш эса мана шу фаолият усулининг ўзгинасиdir. Ҳақиқатдан ҳам, исталган касбий-педагогик мослашиш, у ижтимоий фаолият бўладими, индивидуал фаолият бўладими, қандай бўлмасин фаолиятни тақозо этади, бироқ ҳар қандай фаолиятни эмас, балки жамиятни ижтимоий, иктиносидий, маънавий соҳаларида ги ижобий ўзгартиришларни назарда тутадиган «фаолият усули»нигина касбий педагогик мослашиш сифатида талкин қилиш максадга мувофиқдир. Касбий мослашишни ривожлантириш усули сифатидаги фаолият энг аввало маънавий, касбий-ижодий фаолиятни ўз ичига олади. Мана шу фаолият давомида маданий қадриятлар яратилади. Айнан касбий-педагогик мослашиш инсоннинг фаолияти шаклида ижтимоий ривожланиш ва инсон шахси шаклланишининг омилига айланади. Зеро шахс фақат маънавий фаолият жараёнида шаклланади.

Шахснинг чинакам педагогик касбий мослашиши ҳақида кўплаб таълимиy сифатлар, шу жумладан, қадриятлар биргаликда, жамулжам намоён бўлган тақдирдагина сўз юритиш мумкин. Ўзлигини англаш фаолияти шахснинг юксак фаоллиги кўрсаткичларидан бири эканлигини қўшимча қилмоқчимиз. Бусиз шахснинг мустаҳкам қадр-қимматли йўналишларини ва янгича тафаккурни тарбиялаш мумкин эмас. Ўзлигини англаш фаолиятнинг умумий даражаси, қадриятларни тушунишдаги муайян бирлик тарбиячилар ва тарбияланувчилар сифатида намоён бўладиган кишиларнинг ўзаро бирбирларини тушунишлари учун ҳам шарт-шароит яратади, мезонларнинг умумийлигини белгилаб беради. Ана шу мезонлар ёрдамида шахс ўзини, ўз фазилатлари ва нуқсонларини баҳолайди, жамиятдаги муайян муносабатлар шаклланади, ўзаро ишонч ва ижодий фаолият учун қулави мухит яратилади. Шундай қилиб, “ўзини англаш фаолияти” – бу инсон томонидан ўз турмуш тарзини, аниқ ҳаётий вазиятлардаги хатти-хараткларини эркин танлашининг, у ёки бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш чоғида ўз нуқтаи назарини аниқлашнинг маънавий шарт-шароитидир.

Бизнинг фикримизча, шахс фаолияти маънавий ишлаб чиқариш соҳаси билан белгиланган ҳолда ҳам онгнинг, ҳам ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва намоён бўлишини, шунингдек, тафаккур фаолиятини қамраб олади.

Шундай қилиб, касбий мослашиш сифатида фанни билиш фанни принципиал фарқлашни ягона тузилма таркибида тушуниш имконияти яратилади. Уларнинг тадқиқот мавзусига янгича ёндашув шундан иборатки, предмет биз тушунган маънодаги обьект бўлишдан тўхтайди, чунки жавоб беришга мажбур қилинмайди, балки жавобга рағбат уйғотади, тур-



ли фаолиятлар оралиғида ва улар билан ҳамкорликда, фаолият ичидағи вертикал ва горизонтал алоқалар ҳам шу жумлага киради, ишончли ва бу билан конструктив сұхбатга, мұлоқотға рағбат үйготади.

Үқитувчи билимининг касбий-педагогик фаолиятта мослашишни эгаллаб олиш воситаси сифатида талқин қилиниши тараққийпарвар педагогик тамойиллар учун анъанавий ҳисобланади. Шунинг учун 2022-2026 йилларга мұлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 1-ҳамда 4- бандида инсон қадрини юксалтириш ҳамда таълим сифатини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Муайян халқ фаолиятининг ҳар қандай ҳолати унинг ривожланиши, янги босқичга ўтиши учун асос, базис бўлади. Шу сабабли муайян вактда турган фаолият даражаси билан биз ижобий натижаларга эришмоқчи бўлсак, унга мос равища ҳаракат қилишимиз зарур. Бошқача айтганда, биз фаолиятта мос ҳаракат қилишимиз лозим.

Касбий-педагогик фаолиятта юксак даражадаги мослашиш үқитувчи таълим-тарбия ишига ўзини бутунлай баҳшида этиши, тарбияланувчилар олами билан доимий равища қизиқишидир.

Үқитувчининг касбий-педагогик фаолиятта мослашишини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни меҳнатнинг касбий-педагогик фаолиятта мослашиши даражаси ошишига кўмаклашувчи шахс фазилатларига эътибор қаратилади.

Биз үқитувчи шахсини таҳлил қилар эканмиз, инсонпарварлик тамойили бутун жамият умумий фаолиятининг ажралмас қисми сифатида таълим ва тарбия амалиётининг асосий йўналиши эканлиги ҳақидаги хulosага келамиз.

Үқитувчининг маънавий бойлиги, унинг ахлоқий софлиги инсонпарварликнинг гарови бўлиб хизмат қиласи. Чунки үқитувчининг зиёлилиги – бу энг аввало унинг касбий-педагогик фаолиятта мослашишга бўлган муносабатидир. У, биринчи навбатда, таълим даражаси, иш тури, касб-хунар тайёргарлиги билан эмас, балки шахснинг нечоғли қадриятларга йўналганлиги билан белгиланади.

Кейинги вактларда «Касбий-педагогик фаолиятта мослашиш» тушунчалиси үқитувчининг ижтимоий фазилатларини таърифлашда кенгрок қўлланилмоқда. Масалан, З.А.Решетова ота-оналарнинг касбий-педагогик фаолиятта мослашишини тадқиқ этар экан, уни оталар ва оналарнинг педагогик тайёргарлиги ва муайян хусусиятлари ва фазилатларининг жами сифатида ифодалайди .



Жамиятнинг техноллогия фани ўқитувчиларига нисбатан қўяётган янги ижтимоий буюртмаси ундан юксак касбий-педагогик фаолиятга мослашишни ва унинг негизида янги педагогик тафаккурни шакллантиришни талаб этади. Шу сабабли бугунги кунда ўқитувчи фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири боланинг шахсига, унинг маънавий бойишига бўлган муносабатидан иборатдир. Шу муносабат билан Т.Ф.Белоусова кўйидагиларни таъкидлайди: «Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятга мослашиши – объектив ва субъектив жиҳатларга эгадир».

Касбий-педагогик фаолиятга мослашишни илмий-ижодий фаолият сифатида белгиланишини кўрсатди. Бу фаолиятни педагогик йўналишдаги, таълим-тарбия муассасалари талабаларида муаммони мустақил хал этишда малака ва кўнкимларини ривожлантиради, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган шахс сифатларини ривожлантиради, талабаларнинг ижтимоий хаётга, шунингдек, мустақил педагогик фаолиятга тайёргарлигини орттиради, ўқитувчининг ижодий фикрлашизиз педагогик фаолият бўлиши мумкин эмас.

Ўқитувчи ижоди муаммоларини тадқиқ этувчи фаолиятга мослашишнинг қуидаги тамоилилларини кўрсатади: ижодий тафаккур ва ҳаракат бирлиги; ижодий фаолиятда индивидуаллик ва ижтимоийликнинг бирлиги; онглилиқ ва интуитивлик бирлиги.

Шундай қилиб, хорижий педагоглар касбий-педагогик фаолиятга мослашишни ижодий педагогик фикрлаш ва фаолият билан белгилайдилар. Бу фаолият натижасида шахс ижодкорлиги ривожланиши, муаммони хал этишнинг янги йўллари, усуслари аниqlаниши, санъатнинг янги асарлари яратилиши мумкин.

Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятга мослашиши ижтимоий ҳодиса сифатида индивид ҳаракат қиласиган ижтимоий муносабатларнинг бойлигига бевосита боғлиқ бўлади, чунки «индивиднинг чинакам маънавий камолоти тамомила унинг амалдаги муносабатлари бойлигига боғлиқ бўлади».

Педагогик фаолият, ижтимоий жараёнлар ва индивидларнинг фикрлаш тарзининг ўзаро алоқалари ҳақида гапирганда, умуман, фаолият каби касбий педагогик фаолиятга мослашиш ўзида узлуксиз ўсиб борувчи, ўз ривожланиши жараёнида доимий равишда ўзгарувчи, воқеликни тобора чуқурроқ акс эттириш томонига ўзгарувчи, янги хусусиятларни касб этувчи ҳодисани ифодаланишини қайд этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, касбий-педагогик фаолиятга мослашиш ҳақида юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш унинг қуидаги асосий



белгиларини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- биринчидан, касбий-педагогик фаолиятга мослашиш миллий анъаналар руҳида ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини ифодалайди ва педагогик фаолиятининг сифат кўрсаткичи ҳисобланади;
- иккинчидан, касбий-педагогик фаолиятга мослашиш ўқитувчи миллий тафаккурининг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади;
- учинчидан, касбий-педагогик фаолиятга мослашиш ўзида нафакат яқунни, балки ўқув-тарбия жараёнида ҳам ўқитувчининг, ҳам ўқувчиларнинг қайта ўзгариши жараёнини ифодалайди.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятига мослашиш белгиларининг аниқланиши мазкур жараёнга таъсир кўрсатувчи шарт - шароитларни белгилашни тақозо этади.

Шу сабабли, бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятнинг психологик шарт-шароитларини ўрнини аниқлаш мақсадга мувофик.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий наприёти, 2003. – 5 том. –261 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –79 б.
3. Давлатов К. Д. ва бошқалар. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. – 320 б.
4. Abdusoliyev, A. I., Kushakova, M. N. (2021). Temir yo'l transportini rivojlantirishning moliyaviy siyosatining tahlili va tamoyillari. Экономика и социум, 9(88), 893-896.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий анъаналардан фойдаланиш технологиялари асосида касбий-педагогик фаолиятини ташкил этиши муаммосининг назарий ва амалий ҳолати ҳақида гап борган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривалось теоретическое и практическое состояние проблемы организации профессионально-педагогической деятельности на основе технологий использования национальных традиций.

SUMMARY

The article deals with the theoretical and practical state of the problem of organizing professional and pedagogical activities on the basis of technologies using national traditions.